

ЯПОНЛАРГА ХОС ФИКРЛАШ ТАРЗИННИНГ СЎЗЛОВЧИ "ЭЪТИБОР ФОКУСИ" (ШИТЭН) БИЛАН БОГЛИҚ МАСАЛАСИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11272531>

Зиямова Зухра Омановна

Тошкент давлат шарқшинослик университети

Японшунослик факультети

катта ўқитувчи

zuxra_ziyamova@tsuos.uz

Аннотация

Мазкур мақолада муаллиф япон тилидаги турли хил грамматик шакллар ва ифода қолипларининг шаклланишида япон ҳалқининг фикрлаши тарзи ва маданиятида акс этган "ўзига хос"лиги билан чамбарчас боғликлигини кўрсатиб беришга уринган. Мақолада 「uchi」 "учи"(ичкари) ва 「soto」 "сото"(ташкари) тушунчаларига таъриф берилган. Юқорида айтилган ўзига хосликни тушуниш учун муаллиф қатор мисолларни келтиради. Хусусан, япон ва ўзбек тилларидағи 「行く」 (бормоқ) 「来る」 (келмоқ) феълларининг маънолари ва уларнинг гапда қўлланилишини чогиштириши орқали япон тилидаги сўзловчининг эътибор фокуси "шитэн"нинг хусусиятини очиб беришга харакат қилган. Бу эса мақоланинг япон тилини ўрганувчи талабалар учун амалий жиҳатдан аҳамиятини оширади.

THE ISSUE OF JAPANESE-SPECIFIC THINKING IN RELATION TO THE SPEAKER'S "FOCUS"(SHITEN)

Annotation

In this article, the author has tried to show the close connection between the formation of various grammatical forms and forms of expression in the Japanese language with the "identity" reflected in the way of thinking and culture of the Japanese people. The article describes the concepts of "Uchi" (inside) and "Soto" (outside). To understand the uniqueness mentioned above, the author gives a number of examples. In particular, through a comparison of the meanings and use of the verbs "to go" and "to come" in Japanese and Uzbek languages, we tried to identify the peculiarity of the speaker's focus of attention in Japanese. This increases the practical relevance of the article to Japanese language students.

Калит сўзлар

ички олам, ташқи олам, сўзловчининг эътибор фокуси (шитен), ички шитэн, ташқи шитэн, эмпатия.

Keywords:*inner world, outer world, speaker focus (shiten), inner shiten, outer shiten, empathy.*

Дуниёдаги барча тилларда ўша тилда сўзловчи миллатнинг ўзига хос дунё қарashi, атроф муҳитдаги воқеа-ҳодисага назар солиш, идрок этиш, баҳо бериш тарзи акс этади.

Япон тилшуноси Морита Ёсиюки (2006)⁸⁴ фикрича, япон тилининг гап бўлаклари, грамматик шаклларини тадқиқ қилишдан олдин, япон тилининг ўзига хос томонини тушуниб олиш зарур. Япон тилининг ўзига хослиги унинг грамматикаси билан чегаралиб қолмасдан, японларнинг бирор бир воқеа-ҳодисага нисбатан фикрлаш, уларнинг яшаш тарзлари, ва умуман маданиятларида акс этади.⁸⁵ Японларнинг атроф-муҳитни идрок қилиш, унда содир бўлаётган воқеа- ҳодисаларни сўзда ифодалашлари қайси ўриндан туриб, яъни сўзловчи воқеа-ҳодисани қайси “шитэн” (эътибор нуқтасидан туриб) ифодалашлари японларнинг фикрлаш тарзи билан чамбарчас боғлиқдир.

Япон тилида сўзловчининг нуқтаи назари (эътибор фокуси) асосан ўзига қаратилган бўлиб, япон тили тадқиқотлари терминологияси билан айтганда “ички шитэн” (ички кузатиш позицияси, нуқтаси, эътибор фокуси) позициясидан туриб, гапда атроф муҳитдаги воқеа ва ҳодисага нисбатан муносабат билдиради.

“Шитэн” (эътибор фокуси) тушунчалик борасида турли хил тадқиқотлар олиб борилган. Сўзловчи бирор бир воқеа ёки ҳодисани ифодалашда, гапда у ёки бу нутқ шакллари ёки ифода қолиларини қўллаши, унинг ушбу воқеа-ҳодисага бўлган муносабати, унга бермоқчи бўлган баҳоси, ёки тингловчининг эътиборини нимага қаратмоқчи эканлигига қараб белгиланади. Бундай қараш, лингвистикада “эътибор нуқтаси” ёки “эътибор фокуси” тушунчаликнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.

“Шитэн” турли тадқиқотчилар томонидан тадқиқ қилиниб, унга турли хил таъриф берилиб, қатор турлари аникланган.

“Шитэн”нинг “ички шитэн”, “ташқи шитэн”, “мезон шитэн”, “субъектив шитэн”, “объектив шитэн” сингари турлари мавжуд. Япон тилининг лексик, морфологик, синтаксик қатламлари тадқиқотчилар томонидан юқорида келтириб ўтилган “шитэн”лар нуқтаи назаридан ўрганилиб чиқилган.

⁸⁴森田良行 (2006) 「日本語文法の発想」 p.1.、ひつじ書房

⁸⁵森田良行 (2006) 「日本語文法の発想」 p.1.、ひつじ書房

Лингвистиканинг турли соҳаларида, хусусан, семантика, прагматикада “прагматик фокус, коммуникатив фокус, эътибор фокуси, фокулизация” ва “эмпатия” тушунчалари пайдо бўлиб, булар сўзловчининг гапдаги алоҳида эътибор нуқтасини ифодалайди.

Япон тилида бошқа тиллар сингари турли хил нутқ шакллари ва ифода қолиплари мавжуд. Гапда у ёки бу шаклнинг қўлланилиши, сўзловчининг етказмоқчи бўлган гап мазмунига боғлик. Япон тилининг турли грамматик, нутқ шакллари ва ифода қолипларини сўзловчининг эътибор фокусининг ўрнига қараб тадқиқ қилиниши 1975 йил Оэ Сабуро томонидан бошланган.⁸⁶ Япон тилида “эътибор фокуси”-“Шитэн” термини орқали ифодаланади. Ҳозирги кунда япон тилининг лексик ва синтактик жиҳатларини “шитэн” нуқтаи назаридан ўрганилган тадқиқотлар салмоғи ошиб бормоқда.

Оэ Сабуро япон тилининг “олди-берди” муносабатини ифодаловчи феъллар, феълнинг орттирма нисбат шакллари, бормоқ-келмоқ феълларнинг қўлланилишини “шитэн” тушунчаси орқали тушунтириб берган. Ушбу ўйналишнинг давомчилари, Куно Сусуму (1978), Ишима Масахиро (1992), Ватанабэ Шинжи (1999), Окуцу Кейичиро (1983а, 1992), Нода Хисаши (1987, 1995), Масуока Такаши (1991, 1997, 2009), Савада Харуми (1993), Икэгами Ёшихико (2003, 2004, 2006) каби тадқиқотчилар ўз тадқиқотларини олиб борганлар.

Японларнинг дунё қарашида 「うち」 “uchi” (ичкари, уй маъносини англатувчи) тушунча ва 「そと」 “soto” (ташқари, кўча маъносини англатувчи) тушунчалари “ички олам” ва “ташқи олам” (“ўз” ва “ўзга” олам) (концепциялари) мавжуд бўлиб, японлар мана шу икки тушунча орқали дунё билан ўзларининг муносабатини идрок этадилар. Улар шу дунё воқеа-ҳодисадаги позицияларини белгилаб, ўша позициядан туриб ушбу воқеа-ҳодисага муносабат билдириб, уни тилда ифодалайдилар⁸⁷. Морита Ёсиокининг (2006) таъкидлашича, японлар кўпинча ўзларининг позицияларини “uchi” (ичкари, уй)даги нуқтага қўйиб, атрофда содир бўлаётган ҳар бир воқеани гапда “ичкарида, уйда” жойлашган, мавжуд бўлган “мен” - “ўзим” позициясидан туриб, мана “мен” - “ўзим”га нисбатан бўлган воқеага баҳо бериш, муносабат билдириш шаклида ифода этилади. Яъни, сўзловчи ифодалаётган гапнинг ичига “мен” - “ўзим” жойлаштирилган бўлади. Синтаксисда эса, бу, гапда эганинг кўпинча кўрсатиласлиги билан ифода этилади. Бунинг сабаби, гапнинг ўзи “мен” нуқтаи назаридан ифода

⁸⁶ <http://creativecommons.org/licenses/by-ne-nd/3.0/deed.ja>

⁸⁷ 森田良行 (2006) 「日本語文法の発想」 p.5., ひつじ書房

етилганилиги ва албатта “менинг нуқтаи назарим” дан бошқа нарса эмаслиги учун гапда алоҳида “мен” кишилик олмоши орқали эгани қўрсатишнинг эҳтиёжи йўқ” тарзида тушунтирилади. “Ички шитен”га мисол тариқасида Япониянинг машҳур ёзувчиси Кавабата Ясунарининг “Қор мамлакати”асаридан бир лавҳа ва унинг инглиз тили таржимаси келтирилади:

1. 国境 の 長いトンネルを抜けると雪国であった。⁸⁸

(Kokkyou no nagai tonneru wo nukeru to yukiguni de atta.)

Мамлакатнинг узун тунелидан ўтишимиз билан қор мамлакати эди (гавдаланди) (Бу ва бундан кейинги мисоллар таржимаси мақола муаллифига тегишли).

2. "The train came out of the long tunnel into the snow country."
(Поезд чиқди дан узун тунел га қор мамлакати.)
(Сўзма-сўз таржима)

Поезд узун тунелдан қор мамлактига чиқди.

Ушбу мисол орқали тилшунос олим Икэгами Ёшихико (2003, 2004, 2006) “ички шитен”га тушунча бериб, биринчи гапда сўзловчининг ўзи худди поезднинг ичида ўтириб, бошидан кечаётган ҳодисани тасвирлаб бераётган ҳолат, яъни “ички шитэн” нуқтаи назаридан тузилган гап бўлиб, иккинчи гап (инглиз тилидаги таржимаси)да эса, сўзловчи поездни ташқарисига чиқиб, поезни қор мамлакатига кириб келишини кузатган ҳолати тасвирланган. Бу мисол “ташқи шитэн”асосида ифода этилган.

Япон тадқиқотчиси Кога Юутаро (2014) ўзининг “現代日本語の『視点』の体系に関する研究—移動動詞文、授与動詞文、受動文を中心に”тадқиқотида, япон тилида бошқа тилларга нисбатан сўзловчининг “эътибор фокуси” (шитэн) тушунчасининг япон тили грамматикасига таъсири катталигини бошқа тадқиқотчилар томонидан эътироф этилганлигини таъкидлайди.⁸⁹ Ва ўзининг тадқиқотида “ички шитен”ни Зга бўлишни таклиф этади. Булар:

⁸⁸ 森田良行 (2006) 「日本語文法の発想」 p.2.、ひつじ書房

⁸⁹ <http://creativecommons.org/licenses/by-ne-nd/3.0/deed.ja> сайти орқали ўкиб чиқилган Кога Юутаронинг (2014) “現代日本語の『視点』の体系に関する研究—移動動詞文、授与動詞文、受動文を中心に” 115.

Биринчи, лингвистикада “эмпатия”⁹⁰ тушунчасини билан таниш бўлган “kyokandoshiten”. Ушбу тушунча, сўзловчининг бирор бир воқеа-ходисанинг иштирокчиларидан бўлмиш субъектларнинг қайси бирининг позициясидан туриб ушбу воқеа-ходисани кузатиб, уни тилда ифодалашини билдиради.⁹¹ Бу “шитен” орқали “бормоқ-келмоқ” йўналма ҳаракат феъллари, олди-берди муносабатни билдирувчи “бормоқ-олмоқ” феъллари каби грамматик шакллар таҳлил қилинади.

Иккинчи, “shyugokoshiten” бўлиб, бу ҳам гапда кимнинг позициясидан туриб воқеа-ходисани кўзатиб, тилда ифодалашини англатиб, фактат гапда эга позициясида туриши ва бир марта позициясини белгилагандан кейин уни ўзгартираслик қонунига бўйсунувчи “шитен”. Ушбу “шитен” орқали япон тилининг мажхул нисбат шакллари ва қўшма феъллар таҳлил қилинади. Ва учинчиси, “kijyuntenshiten” тушунчаси бўлиб, ушбу “шитен” сўзловчининг вақт ўки ҳамда макон ўқининг қайси нуқтасидан туриб сўзловчи воқеа-ходисани кузатиб, уни тилда ифодалашини тушунтиради. Ушбу тушунча орқали феълларнинг замонлари ва кўмакчи феълли сўз қўшилмалари таҳлил қилиниб, уларга изоҳ берилади.

Япон тилида сўзловчининг “ички шитэн” ни гапда қандай намоён бўлишини япон ва ўзбек тилларидағи йўналма ҳаракат феъллари иштирокидаги гапларни солиштириш орқали кўриб чиқамиз.

Япон тилининг йўналма ҳаракат феъллари 「行く」 “iku” (бормоқ) 「来る」 “kuru” (келмоқ) феъллари турли тадқоқотчилар томонидан турли хил нуқта-назардан тадқиқ қилинган тадқиқот обьектлари ҳисобланади. Лекин, сўзловчининг “эътибор фокуси”нинг ўрни ва йўналишидан туриб япон ва ўзбек тилларида чоғиштирма тадқиқотлар деярли йўқ. Албатта, ушбу мақола доирасида биз япон ва ўзбек тилларида йўналма ҳаракат феълларининг чоғиштирма тадқиқотларини амалга оширмаймиз, фактат бир-икки мисоллар орқали юқорида таъкидлаб ўтилган япон тилининг ўзига хос жиҳатини очиб беришга ҳаракат қиласиз. Мисолларни кўришдан аввал япон ва ўзбек тилларидағи 「行く」 “бормоқ” ва 「来る」 “келмоқ” феълларининг лугавий маъноларини кўриб чиқамиз.

Япон тилининг изоҳли лугати (国語大辞典)да 「来る」 “kuru” (келмоқ) феълига қўйидагича изоҳ берилади: 1) бу томон яқинлашмоқ, маълум ерга,

⁹⁰ Лось А.Л.(2014) « Средства выражение эмпатии в языке» .Тамбов: Грамота, 2014. № 10 (40): в 3-х ч. Ч. I. С. 131-135. ISSN 1997-2911.

⁹¹古賀悠太郎 (2014) 現代日本語の『視点』の体系に関する研究－移動動詞文、授与動詞文、受動文を中心 に”31р.

маълум пайт томонга етмоқ; маконда яқинлашмоқ; вақтда яқинлашмоқ. 2) Бирор ҳодисанинг пайдо бўлиши (муаллиф таржимаси) каби маъноларда қўлланилади.

「行く」 "iku" (бормоқ) феълига эса қуидагича изоҳ берилган: 1) ҳозирда турган жойдан қарши томонга давомли ҳаракат қилмоқ; чиқиб кетмоқ; кетмоқ, йўқолмоқ; бошида турган жойидан ўзоклашиш учун давомли ҳаракат қилмоқ; мақсад қилиб қўйган манзилига йўналиб ҳаракат қилмоқ (муаллиф таржимаси) каби маъноларда қўлланилади.

Энди ўзбек тилининг йўналма ҳаракат феълларини кўриб чиқамиз.

Ўзбек тили изоҳли лугатида "бормоқ" феълига қуидагича таъриф берилади.

БОРМОҚ-1) Сўзловчининг турган жойидан узоклашмоқ, нари кетмоқ; бирор жой(манзил)дан иккинчи жой (манзил) томон ҳаракат қилмоқ, йўл олмоқ; 2) наридаги бирор манзилга етмоқ; 3)умуман, бирор йўналишда, йўлда нари томон ҳаракат қилмоқ, илгариламоқ, узоклашмоқ; 4) жўнатилган, тарқатилган жойидан, манбаидан наридаги , мўлжалдаги жойга етмоқ (овоза, гап, хатхабар ҳақида) ; 5) бирор транспорт воситаси билан нари томон юрмок, силжимоқ, узоклашмоқ каби маъноларда қўлланилади.

Энди "КЕЛМОҚ" феълининг лугавий маъноларига назар солсак: 1) Юриш, учиш ҳаракати ёки транспорт воситалари билан сўзловчига қарама-қарши томон (жой)дан сўзловчи турган томонга, жойга йўл олмоқ, йўналмоқ; шу томондаги бирор жойга етмоқ; 2) Сўзловчи бўлган, турган жойга ёки сўзловчи томондаги жойга етмоқ, шу жойда ҳозир бўлмоқ; 3) Вақт маъноли сўзлар ёки сўз бирикмаси билан қўлланганда , шунингдек, вақт билан мантиқан боғлиқ нарсани билдирувчи сўз билан қўлланганда, шу сўз ёки сўз бирикмаси ифодалаган пайт, фурсат, замон ва ш.к.етганлигини, бошланишини билдиради. "Келмоқ" феълининг бошқа қўчма маънолари ҳам мавжуд. Аммо, ушбу мақоладаги тадқиқот предметини аниқлаштириш учун юқорида "бормоқ"ва" келмоқ" феълларига келтирилган лугавий маънолари билан кифояланамиз.

Энди мисолларни кўриб чиқамиз. Мисоллар муаллифнинг қундалик фаолияти давомида содир бўлган вазият мисолида кўриб чиқамиз. Шундай вазият: бир талабамиз Нилуфар, Тошкентга саёҳатга келган япониялик дугонасининг унга қилган мурожаатини, япониялик устозимизга (Сугано сенсейга) япон тилида етказмоқчи бўлиб шундай деди:

*日本人のともだちはこういいました：日本に 行った 時に 私に 電話して ください。

Япониялик дугонам шундай деди: “Японияга borgan пайтингда менга қўнғироқ қилгин, деб айтди”. (Муаллиф таржимаси)

Шунда бу гапни эшитган япониялик устозимиз, - “японияликлар қаерда бўлмасин, Тошкентдами ёки бошқа мамлакатдами, бундай вазиятда “бормоқ” феълининг ўрнига албатта “келмоқ” феълини қўллаган бўлишлари керак”, деб айтди.

Яъни:

*日本に 来た時に 私に 電話して ください。

“Японияга келганингда, менга қўнғироқ қилгин”.(Муаллиф таржимаси)

Лекин ўзбек талабаси, ушбу вазиятда япониялик дугонасининг гапини “бормоқ” феъли орқали ифодалади. Бунинг сабабини аниқлаш учун япон ва ўзбек тилларида сўзловчининг “шитэн” (эътибор фокуси)нинг ўрни ва йўналишига эътибор бериш лозим. Яъни, бундай вазиятда ўзбек тилида сўзловчининг эътибор фокуси сўзловчининг ўзи турган нуқтадан, етиб бориш нуқтасига қаратилади. Бунда, сўзловчи эътибор фокуси, ўзи турган жойи (Тошкент) дан туриб, етиб бориш нуқтаси (Япония)га йўналтирилган бўлади. Япон тилида эса, айнан шу вазиятда сўзловчи (Нилуфарнинг япониялик дугонаси)нинг “эътибор фокуси” хозирда, вактингчалик ўзи турган жойи нуқтаси (Тошкент)дан эмас, балки кундалиқда яшайдиган “таянч жойи нуқтаси”⁹² Япониядан туриб, Нилуфар келажакда амалга оширадиган ҳатти-харакати (қўнғироқ қилиш)нинг йўналишига қаратилган бўлади. Буни қўйидагича изохлаш мумкин: Нилуфар Японияга етиб борганида сўзловчи (япониялик дугона) аллақачон Япония (ўзининг кунда яшайдиган “таянч жойи”да турган бўлади. Ва Нилуфарнинг ҳатти-харакати (қўнғироқ қилиши) унга- сўзловчи (япониялик дугонаси)нинг “ўзи”га қаратилган бўлади.

Бу ерда, япон ва ўзбек тилларининг йўналма харакат феълларининг қўлланишида қуйидагича ўзига хосликни кузатиш мумкин: ўзбек тили сўзловчисининг “эътибор фокусининг” ўрни- айни пайтда ўзи турган жой нуқтасида бўлади. “Эътибор фокуси”нинг йўналиши эса, “ўзи” турган нуқтадан узокдаги масофада жойлашган “етиш” нуқтасига қаратилган бўлади.

Япон тили сўзловчиси (япониялик дугона) “эътибор фокуси”нинг фокуси эса, кундалик ҳаётида ўзи яшайдиган “таянч жойи” нинг нуқтасида бўлади. “Эътибор фокусининг” йўналиши эса, маконнинг бир нуқтасидан

⁹² 「話し手のホームベース」大江 (1975) が用いた概念。

бошқа (узок) нұқтасигача бўлган масофага қаратилмасдан, бевосита сұхбатдошнинг ҳатти-харакатининг йұналишига қаратилғанлигини кузатишимиз мумкин. Буни Морита Ёсиюкининг (2006) “японлар қўпинча ўзларининг позицияларини “uchi”(ичкари, уй)даги нұктага қўйиб, атрофда содир бўлаётган ҳар бир воқеани гапда “ичкарида, уйда” жойлашган, мавжуд бўлган “мен” –“ўзим”позициясидан туриб, мана “мен”-“ўзим”га нисбатан бўлган воқеага баҳо бериш, муносабат билдириш шаклида ифода этилади.” - деган изохи билан асослашимиз мумкин. Бундан ташқари, бу ерда 「行く」 "iku"(бормоқ) 「来る」 "kuru" (келмоқ) феълларини “шитен” нұқтаи назаридан биринчилардан тадқиқ қилган Оэ Сабуро (1975)нинг сўзловчининг 「話し手のホームベース」 “hanashi te no ho-tube-su” (сўзловчининг “таянч жой”и) тушунчаси , яъни сўзловчининг кундалик ҳаётида қўпинча турадиган, яшайдиган, ишлайдиган, қатнайдиган жойининг позициясидан туриб ҳаракатланувчи объектнинг ҳаракат-йұналишини белгилаш принципини асос сифатида келтиришимиз мумкин. Оэ Сабуронинг фикрича, сўзловчининг “таянч жойи”га қаратилган йўналма ҳаракат 「来る」 "kuru" (келмоқ) феъли билан ифодаланади. ⁹³

Яна бир кундалик ҳаётимизда учрайдиган вазиятни кўриб чиқайлик.

Үйимизга бир танишимиз келиб никоҳ тўй маросимига таклиф қилиб:

Таниш: “Албатта тўйга боринглар” ёки “Албатта тўйга ўтинглар”деб айтади. “Албатта тўйга келинглар”, деб ҳам ўзбек тилида айтиш мумкин, аммо бундай ҳолатда тўйга таклиф қилаётган мезбон тараф ўзининг уйига турар, телефон орқали меҳмонларни таклиф қилиши, ёки мезбоннинг уйига борган меҳмонларга қарата мурожаат қилиши мумкин бўлган вазиятдагина айтилади. Бу фикримизга асос сифатида юқорида кўрсатиб ўтилган “бормоқ” ва “келмоқ” феълларининг лугавий маъноларини келтиришимиз мумкин.

Аммо, япон тилида юқорида келтирилган бундай вазият, яъни сўзловчи биринчи шахс (мезбон) ўзи ёки ўзига тегишли инсонлар (「うち」 "uchi" доирасига кирадиган инсонларнинг) нинг никоҳ тўйига меҳмонларни таклиф этиш вазиятида сўзловчининг “эътибор фокуси” хамиша мезбон позициясидан қаратилган бўлиб, гапда 「来る」 "kuru" (келмоқ) феъли орқали ифодаланади.

Масалан:

1. 田中君、結婚式 来てね！ ⁹⁴

⁹³古賀悠太郎（2014）現代日本語の『視点』の体系に関する研究—移動動詞文、授与動詞文、受動文を中心^に”50p.

⁹⁴ <https://komachi.yomiuri.co.jp/t/2016/0619/766610.htm>

Kekkonshiki kite ne!

Танақа, түй базмига келгін-а!

2. 皆さん、結婚式 に 是非 きて ください!⁹⁵

Minasan, kekonshiki ni zehi kite kudasai

Дұстлар, илтимос, албатта түй базмига келинглар!

Юқоридаги мисолларда күринганидек, япон тилида ўзининг түй маросимига таклиф қилиш вазиятида сўзловчининг сұхбатдоши кимлигига қараб, дұстими ёки ҳамкасларига қараб “келмоқ” феълининг фақат шакли (оддий, ҳурмат шакллари) ўзгарди, аммо, бундай вазиятда фақат 「来る」 “kuru” (келмоқ) феъли құлланилғанligини ҳам эътироф этишимиз зарур. Бунга асос сифатида, Морита Ёшиюки(2006) нинг сўзловчининг “ички” позицияси ва Оэ Сабуро (1975) нинг “таянч жой”га “йұналтирилған харакат” изохлари асос бўла олади.

Японларга хос фикрлаш тарзининг сўзловчи “эътибор фокуси (шитэн)” билан боғлиқлиги масаласида қўйидаги худосаларни айтиш мумкин:

Биринчидан, япон тилида сўзловчининг эътибор фокусининг ичидә кўпинча “мен”, “ўзим” жойлашган бўлиб, воқеа-ходисага ичкаридан туриб, яъни, “ички шитен” позициясидан ташқарига назар солинади.

Иккинчидан, япон тилида сўзловчи содир бўлаётган воқеа-ходисага дахлдорлигини эътибор фокусининг ўрнига қараб белгиланади.

Учинчидан, япон тилида сўзловчи 「うち」 “uchi” ва 「そと」 “soto” тушунчалари “ички олам” ва “ташқи олам” (“ўз” ва “ўзга” олам) (концепциялари) орқали дунё билан ўзаро муносабатини шакллантириб, ушбу тушунчалар орқали сўзловчи содир бўлаётган воқеа-ходисага муносабат билдирилади.

Тўртинчидан, япон тилининг турли грамматик, нутқ шакллари ва ифода қолиплари “шитен”, сўзловчининг “эътибор фокуси”га қараб шакллантирилади.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. 森田良行 (2006) 「日本語文法の発想」、ひつじ書房
2. 久野瞭 (2004) 「談話の文法」、大修館書店
3. 古賀悠太郎 (2014) 現代日本語の『視点』の体系に関する研究－移動動詞文、授与動詞文、受動文を中心に” (博士) 論文

⁹⁵ https://detail.chiebukuro.yahoo.co.jp/qa/question_detail/q1313349353

4. 「日本語国語大辞典第二版」 (2001) 小学館
5. А.Л. Лось(2014) « Средства выражение эмпатии в языке» .Тамбов: Грамота, 2014. № 10 (40): в 3-х ч. Ч. I. С. 131-135. ISSN 1997-2911.
6. ӽзбек шарқшунослиги: бугуни ва эртаси, Илмий тӯплам 7 Тошкент-2016
7. ӽзбек тилининг изоҳли луғати.
8. Л.О. Чернейко, "Базовые понятия когнитивной лингвистикив их взаимосвязи" Макс Пресс, М., 2005
9. Язык и структуры представления знаний в языке. М., 1992.
10. З.Д. Попова " К проблеме унификации лингвокогнитивной терминологии/ З.Д. Попова, И.А. Стернин// Введение в когнитивную лингвистику".-Кемерово, 2004.-Наш 4.

ИНТЕРНЕТ РЕСУРСЛАРИ:

1. <https://komachi.yomiuri.co.jp/t/2016/0619/766610.htm>
2. https://detail.chiebukuro.yahoo.co.jp/qa/question_detail/q1313349353

LITERATURE:

1. Morita Yoshiyuki (2006) "The Idea of Japanese Grammar", Hitsuji Shobo
2. Kuno Aki (2004) "Grammar of Discourse", Taishukan Shoten
3. Yutaro KOGA (2014) A Study on the system of "Perspectives" in contemporary Japanese – Focusing on Moving Verb sentences, Conferred Verb sentences, and Passive Sentences" (Ph.D.) Papers
4. "Japanese National Dictionary Second Edition" (2001) Shogakukan
5. A.L. Los (2014) "Means of expressing empathy in language". Tambov: Diploma, 2014. No. 10 (40): in 3 hours I. C. 131-135. ISSN 1997-2911.
6. Uzbek Orientalism: today and the future, scientific collection 7 Tashkent-2016
7. Explanatory Dictionary of the Uzbek language.
8. L.O. Cherneyko, "Basic concepts of cognitive linguistics and their interrelationships" Max Press, Moscow, 2005
9. Language and structures of knowledge representation in language. M., 1992.
10. Z.D. Popova " On the problem of unification of linguocognitive terminology/ Z.D. Popova, I.A. Sternin// Introduction to cognitive linguistics".-Kemerovo, 2004.-Our 4.

ONLINE RESOURCES:

1. <https://komachi.yomiuri.co.jp/t/2016/0619/766610.htm>
2. https://detail.chiebukuro.yahoo.co.jp/qa/question_detail/q1313349353